



WAYS OF USING PEOPLE'S DIPLOMACY IN INTERETHNIC RELATIONS IN UZBEKISTAN

B. M. Ubaydullayeva

Professor, Department of Archaeology and Ethnology

Faculty of History

National University of Uzbekistan

Doctor of Historical Sciences

E-mail: barnoubaydullayeva68@gmail.com

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: people's diplomacy, Uzbekistan, nation, tolerance, cultural center.

Received: 01.06.26

Accepted: 02.06.26

Published: 03.06.26

Abstract: The article highlights the ways of using people's diplomacy in strengthening interethnic relations in Uzbekistan. Interethnic harmony and its constitutional foundations, as well as the role of the mahalla institution, the Committee on Interethnic Relations, the "Vatandoshlar" Foundation, national cultural centers, and festivals in this sphere are analyzed.

ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРДА ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

Б.М. Убайдуллаева

ЎзМУ Тарих факультети

“Археология ва этнология” кафедраси профессори

Тарих фанлари доктори

barnoubaydullayeva68@gmail.com

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: халқ дипломатияси, Ўзбекистон, миллат, бағрикенглик, муносабат, маданий марказ.

Аннотация: Мақолада Ўзбекистонда миллатлараро муносабат мустақамлашда халқ дипломатиясидан фойдаланиш йўллари ёритилган. Миллатларнинг тотувлиги ва унинг Конституциявий асослари, бу борада маҳалла институти, Миллатлараро муносабатлар қўмитаси, “Ватандошлар”

фонди, миллий маданий марказлар ва фестиваллар ўрни таҳлил қилинади.

ПУТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ НАРОДНОЙ ДИПЛОМАТИИ В МЕЖНАЦИОНАЛЬНЫХ ОТНОШЕНИЯХ В УЗБЕКИСТАНЕ

Б. М. Убайдуллаева

Профессор кафедры археологии и этнологии

Исторический факультет

Национальный университет Узбекистана

Доктор исторических наук

E-mail: barnoubaydullaveva68@gmail.com

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: народная дипломатия, Узбекистан, толерантность, отношения, культурный центр.

Аннотация: В статье освещаются пути использования народной дипломатии в укреплении межнациональных отношений в Узбекистане. Анализируются межнациональное согласие и его конституционные основы, а также роль института махалли, Комитета по межнациональным отношениям, фонда «Ватандошлар», национальных культурных центров и фестивалей в данном направлении.

Кириш. Глобаллашув, миграция жараёнлари ва маданий хилма-хиллик авжига чиққан бугунги кунда миллатлараро муносабатларни барқарор бошқариш ҳар бир давлат учун стратегик вазифадир. Албатта, бир мамлакатда яшовчи турли халқлар ўртасида ўзаро ҳурмат, бағрикенглик ва ҳамкорликни таъминлаш осон эмас, аввало бундай муносабатларнинг мустаҳкам механизмларини яратиш керак бўлади.

Шундай механизмлардан бири – халқ дипломатияси (public diplomacy, people-to-people diplomacy) бўлиб, у расмий дипломатияни тўлдирувчи ва жамият ичидаги ҳамкорликни ривожлантирувчи муҳим ижтимоий институт сифатида намоён бўлади.

Адабиётлар шарҳи. Халқ дипломатияси масаласи бўйича хорижлик ва рус олимлардан Эдмунд Галлион [19], Жозеф Най [21], Ян Мелиссен [20], А. Долинский [18], М.М.Лебедова [7, 8] ва А. Великая [3, 4, 5] каби олимлар тадқиқот олиб борган. Улар халқ дипломатиясининг назарий асослари, «юмшоқ куч» концепцияси, тарихий ривожланиши, глобаллашув давридаги янги шакллари ҳамда Россия тажрибасини ўрганганлар.

Ўзбекистон олимлари уни кўпинча маҳалла институти билан боғлаб ўрганадилар. Р. Жураев маҳалладаги кўшничилик муносабатлари ва миллий байрамларни халқ дипломатиясининг табиий шакли сифатида таъкидлайди[6].

Сўнгги йилларда давлат сиёсатига бағишланган ишлар институционал механизмларга эътибор қаратади. Хусусан, А.Файзуллаев ва Б.Талаповларлар халқ дипломатиясини ички тотувликнинг миллий модели ва давлат сиёсатининг ажралмас қисми сифатида кўрадилар [13, 12].

Муҳокама ва натижалар. Халқ дипломатияси – бу давлатларнинг фақат расмий элчилар орқали эмас, балки халқлар, жамоат ташкилотлари, маданий марказлар, олимлар, талабалар, зиёлилар, спортчилар, диаспора ва ННТлар орқали олиб бориладиган мулоқот ва ҳамкорлик жараёнларидир.

Мазкур тушунча фанга илк бор 1965 йилда америкалик дипломат Эдмунд Галлион томонидан киритилган ва турли жамоат бирлашмалари, жамғармалар ва нодавлат ташкилотларининг халқаро муносабатлардаги иштирокини кенгайтириш орқали давлат мақсадларига эришиш ёки ўз қадриятларини халқаро ҳамжамиятда тарғиб қилиш усули сифатида белгиланган [19].

Халқ дипломатиясининг асосий вазифалари бу – давлат имижини яхшилаш, салбий стереотипларни йўқотиш, миллатлараро ишонч муҳитини яратиш, иқтисодий ва маданий ҳамкорликка йўл очиш, маданий мулоқотни ривожлантириш; миллатлараро ҳамжиҳатликни кучайтириш; турли этник гуруҳлар ўртасидаги ихтилофларни профилактика қилиш ва муаммоларни “юмшоқ” йўл билан ҳал қилишдир.

Гарчи халқ дипломатияси тушунчаси яқинда кириб келган бўлсада, мамлакатимизда бундай муносабатлар қадимий тарихга эга. Ўзбекистон ҳудуди Буюк Ипак йўли чорраҳаси бўлиб, милoddан аввалги II асрдан бошлаб турли миллат вакиллари ўртасида маданий-иқтисодий алоқалар ривожланган [1, 11].

Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат ва элатлар яшайди, миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик мамлакатимизнинг асосий стратегик устуни сифатида Конституциямизнинг 4, 8, 18-моддаларида мустаҳкамланган [17].

Ўзбекистонда халқ дипломатиясининг энг муҳим ва ўзига хос шакли маҳалла институтида кузатилади. Маҳалладаги турли миллат вакиллари кундалик ўзаро мулоқоти ва кўшничилик муносабатлари халқ дипломатиясининг пойдевори бўлиб, давлатлараро ишончнинг мустаҳкам асоси бўлиб келган. Узоқ йиллар давомида олиб борилган этнографик тадқиқотлар маҳалларида ўзбеклар турли халқ вакиллари (рус, татар,

украин, корейс, арман, озарбайжон ва бошқа) билан аҳил, иноқ кўшничилик муносабатларини олиб борганини кўрсатди [22].

Ўзбек маҳалласида ўзбек билан рус кўшниси билан бирга Наврўзда ош дамлайди, тожик билан қозоқ бирга тўй қилади, корейс ва татар болалари бирга мактабда ўқиб, дўстлашади, буларнинг барчаси – ҳақиқий халқ дипломатиясининг энг кучли шаклидир. Чунки, бу муносабатлар давлат буйруғи билан эмас, ихтиёрий ва самимий бўлади, улар ишонч яратади, бу ишонч кейин вилоят, мамлакат ва халқаро даражага чиқади. Бу ҳақида Президент Шавкат Мирзиёев маҳалла тизими ходимларининг касб байрами кунида (22 март): “Биз маҳалла деганда, дунёда камдан-кам учрайдиган, инсонни жамият билан уйғун бўлиб яшашга ўргатиб, бағрикенглик руҳида тарбиялайдиган, халқ билан давлат ўртасидаги ишончли кўприк вазифасини бажарадиган ноёб тузилмани тушунамиз. Айни пайтда, юртимизда яшаётган ҳар бир инсон, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ўз ҳаётини, қувончу ташвишларини маҳалладан айри ҳолда тасаввур эта олмайди”, - деб тўғри баҳо берган эди [9]. Дарҳақиқат, маҳалла халқлар ўртасида бағрикенглик, ҳамкорлик, ўзаро қўллаб-қувватлашни амалга оширувчи ижтимоий институти сифатида ўзбек халқи турмуш тарзининг ажраламас қисми бўлиб келган.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда миллатлараро тотувликни таъминлаш давлат сиёсати даражасида белгилангани барчага маълум. Айниқса, халқ дипломатиясининг институционал механизмларни яратиш борасида амалий ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси (2017 йилдан) ва унинг негизида Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича қўмита, “Ватандошлар” жамоат фонди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги “Эл-юрт умиди” жамғармаси кабиларнинг ташкил этилгани, “Шарқ тароналари”, “Бойсун баҳори”, “Асрлар садоси”, каби Халқаро маданий фестиваллар ҳамда 138 та миллий маданий марказ (2025 йилгача) ларнинг фаолияти фикримизга далилдир.

Дунёдаги бошқа мамлакатлардан фарқли ўлароқ, Ўзбекистонда халқ дипломатияси икки муҳим устунга қурилган. Биринчиси, миллатлараро тотувлик модели бўлиб, ички сиёсатда 130 дан ортиқ миллат ва элатларнинг тинч яшаши Ўзбекистон – толерант мамлакат эканини кўрсатади.

Иккинчиси, диаспора ва ватандошлар модели бўлиб, бошқа мамлакатлар билан “яхши элчилик” муносабатларини мустаҳкамлайди. Маълумотларга кўра, Ўзбекистоннинг хориждаги ватандошлари тахминан 3-4 миллиондан ортиқ кишини (асосан Россия,

Қозғоғистон, Түркия ва бошқа давлатларда) ташкил этади [9]. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Умуммиллий тотувлик ва хориждаги ватандошлар билан алоқаларни мустаҳкамлашни янги босқичга олиб чиқишга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони асосида Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси негизида Ўзбекистон Республикаси Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича қўмитаси ташкил этилди [16]. Шу асосда хориждаги ватандошларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мулоқотни йўлга қўйиш ва илмий-амалий тажриба эгаларини ривожлантиришга жалб этишнинг умумий стратегияси тасдиқланди [2]. Бу йўналишдаги ишлар асосан халқ дипломатияси, иқтисодий-маданий ҳамкорлик, улар билан мулоқотни кучайтириш, маърифий-маданий тадбирлар ташкил этиш, иқтисодий имкониятлар яратиш ва ватандошларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш орқали йўлга қўйилган [14, 15].

Бундан ташқари, Хориждаги илмий ва амалий тажриба эгаларини мамлакат ривожига жалб этиш учун (масалан, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш агентлиги орқали) стажировка ва таълим дастурлари “халқ дипломатияси”нинг бир қисми сифатида қўрилади ва мамлакатнинг “юмшоқ куч” сиёсатини мустаҳкамлайди.

Ўзбекистон шароитида халқ дипломатиясининг афзал жиҳатлари сифатида кўпмиллатли аҳоли таркиби орқали амалий имкониятлар кенглиги, унинг давлат сиёсати даражасида қўллаб-қувватланиши; тинчлик ва барқарорлик умумий миллий қадрият сифатида шакллангани; маданий марказлар иштирокидаги тадбирлар жамиятга тез таъсир кўрсатиши олиш мумкин.

Халқ дипломатиясидан фойдаланишнинг амалий йўллари нималардан иборат, деган савол қўядиган бўлсак, бу аввало Миллий маданий марказлар орқали мулоқотни кучайтириш яъни турли миллатлар фестиваллари (“Ўзбекистон – умумий уйимиз”); миллий ошхоналар, рақс ва санъат тадбирлари; тил ва маданият курсларини ташкил этиш; қўшма маданий мерос тадқиқотларни олиб боришни қамраб олади.

Иккинчи масала – ёшлар дипломатиясини ривожлантириш қаратилмоқда яъни халқаро ёшлар форумлари; “Ёшлар алмашинув дастурлари”; университетлар ўртасида қўшма маданий лойиҳалар; волонтерлик дастурлари орқали миллатлар ўртасида ҳамжиҳатликни оширишга эътибор қаратилмоқда.

Учинчи масала, таълим ва илмий алоқалар ҳам халқ дипломатиясининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Хусусан, турли этник гуруҳларга оид тадқиқот марказлари

ташқил этиш; этносоциология ва этнопсихология фанларини ривожлантириш; талабалар учун этномаданий тренинглари ташқил этиш муҳим амалий аҳамиятга эга.

Ҳозирги пайтда диний эстремисик ва радикал ғоялар урчиётган бир пайтда диний ташқилотлар орқали бағрикенгликни кучайтириш масаласи ҳам амалий жиҳатдан долзарбдир. Бу борада диний конфессиялар ўртасидаги мулоқотни йўлга қўйиш ва ривожлантириш; ўзаро турли диний байрамларда иштирок этиш; экстремизм профилактикасида маърифий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва тадбиқ этишга ҳаракат қилинмоқда.

Шунингдек, ахборот асри бўлган бугунги кунда оммавий ахборот воситалари орқали халқ дипломатиясини йўлга қўйиш, яъни теледастурлар (“Дўстлик соати”, “Турфа маданият” каби); блогерлар ва ижтимоий тармоқлар орқали бағрикенглик ташвиқоти; кўпмиллатли кино, сериал ва ҳужжатли фильмларни яратиш миллатлараро бағрикенглик муносабатларини шакллантиришда амалий аҳамиятга эга.

Маданий марказлар, таълим муассасалари, жамоат ташқилотлари, ёшлар ҳаракатлари ва ОАВ иштирокида амалга оширилаётган “халқлар дипломатияси” мамлакатдаги барқарорлик ва тотувликни сақлашда стратегик аҳамиятга эгаллигини ҳисобга олиб Халқ дипломатиясини янада ривожлантириш бўйича қўйидаги таклифларни илгари суриш мумкин:

1. Миллий маданий марказларни молиявий ва ташкилий қўллаб-қувватлашни кучайтириш ҳамда уларнинг фаолият қўламини кенгайтириш.

2. Миллий маданий марказларнинг ёшлар ташқилоти, маҳалла ва бошқа шу каби ижтимоий ташқилотлар билан ҳамкорлигини оддий тадбир даражасидан инклюзив, оммавий даражага етказиш.

3. Ўзбекистонда Этнология ва антропология илмий тадқиқот институтини ташқил этиш ва унда этнолог, антрополог, сиёсатчи, социолог, ижтимоий психология бўйича етакчи олимлар, мутахассислар жамоасини шакллантириш. Шу асосда илмий ва амалий лойиҳаларни яратиш.

4. Миллатлараро рақамли платформа яратиш: онлайн музей, онлайн фестивалларни ташқил этиш.

5. ОАВ орқали бағрикенглик маданиятини кенг тарғиб қилиш ва бунда ёшлар фаоллигини ошириш.

6. Қўшни давлатлар билан қўшма маданий лойиҳаларни кўпайтириш.

7. Этносоциология, этнополитология бўйича илмий кадрларни тайёрлашни кучайтириш.

8. Халқ дипломатияси лойиҳаларини амалга ошириш.

9. Турли ижтимоий институтлар билан ҳамкорликда турли халқлар ўртасидаги бағрикенглик ривожлантирадиган тадбирлар, конференциялар, маданий форумлар ташкил қилиш.

Юқорида келтирилган маълумотлардан хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистонда халқ дипломатияси миллатлараро муносабатларни барқарорлаштириш, ўзаро ҳурмат ва ишончни мустаҳкамлашда ўта муҳим восита ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бартольд В. В. Работы по истории и филологии тюркских и монгольских народов. – М., 1968.
2. “Ватандошлар” жамоат фондини ташкил этиш тўғрисида / 11.08.2021, ПҚ-5220-сон // <https://www.norma.uz>
3. Великая А. А. Публичная дипломатия как инструмент международного диалога // Журнал. Международная жизнь. № 2. 2016. – С. 46-59
4. Великая А.А. Публичная дипломатия: теория и практика. – Москва: Аспект Пресс, 2020. — 272 с.
5. Великая А.А. Публичная дипломатия России: современные тенденции // Международные процессы. – 2021. – №3.
6. Жураев Р. Т. Роль народной дипломатии Узбекистана в международных отношениях: автореферат дис. ... кандидата исторических наук: 07.00.02.- Андижан, 1998.- 21 с.
7. Лебедева М.М. Концептуальные перевоплощения публичной дипломатии // Вестник МГИМО-Университета. – 2020. – № 13 (5). – С. 293–306// <https://doi.org/10.24833/2071-8160-2020-5-74-293-306>
8. Лебедева М.М. Публичная дипломатия в современных международных отношениях // Международные процессы. – 2019. – №2.
9. Маҳалла улуғ кадриятлармиз бешиги // <https://old.scocenter.uz/uz>
10. Мигрантлар учун энг жозибадор давлатлар // <https://qalampir.uz/news/>
11. Сағдуллаев А.С. Бағрикенгликнинг тарихий илдизлари (қадимги давр мисолида). – Тошкент, 2018.

12. Талапов Б. Халқ дипломатияси янги босқичда. НамДУ. 2018.
http://fikr.uz/blog/poems/khaldiplomatiyasi-yangi-bos_ichida.html
13. Файзуллаев А. Публичная дипломатия на службе национальных интересов. Развитие дипломатии «мягкой силы» будет способствовать укреплению имиджа Узбекистана // <https://www.gazeta.uz/ru>
14. Хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ва уларнинг оила аъзоларини кўллаб-қувватлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида /01.03.2022, ПҚ-149-сон // <https://www.norma.uz>
15. Хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан ҳамкорлик соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида 25.10.2018, ПҚ-3982-сон // <https://www.norma.uz>
16. Юртимизда тинчлик, аҳиллик, тотувлик доим барқарор бўлсин // <https://uza.uz/uz/posts/>
17. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (2023 йил 30 апрелдаги ўзгартиришлар билан) // <https://lex.uz/docs/6445145>
18. Dolinskiy A. What Is Public Diplomacy? // American Behavioral Scientist. – 2012. – Vol. 57(11).
19. Gullion E. Murrow Center Institutional Brochure, Fletcher School of Law and Diplomacy. In: USIA Alumni Association: What is Public Diplomacy? // <https://www.diplomacy.edu/topics/>
20. Melissen J. The New Public Diplomacy: Soft Power in International Relations. – Basingstoke: Palgrave Macmillan, 2005.
21. Joseph Nye Nye J.S. Soft Power: The Means to Success in World Politics. – New York: PublicAffairs, 2004. 192 p.
22. Этнографик тадқиқотлар қайдлари, 2002 – 2019 йиллар.